



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУЗ

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2022
1/1**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Тахрир ҳайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Х. – фил.ф.д., проф.

Рахмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддикова И.А. – фил.ф.д., проф.

Ширина Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2022

МУНДАРИЖА

Тарих

Абдуллаев Э. Теурийлар даврида амир, бек унвонлари масаласининг илмий адабиёт ва хориж манбаларида ёритилиши.....	4
Зиёев Ш. Марказий осие давлатлари – европа иттифоқи сиёсий алоқалари тарихшунослиги.....	7
Иносов А. Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожланишида хорижий давлатлар тажрибаси ва амалиёти.....	10
Қудратов Д. Ўрта асрлар урбанизация жараёнларининг таҳлиллари (умумийлик ва ўзига хослик).....	14
Рашидов О. Ўзбек зиёлилари ижодида миллий ва пролетариат мафқураси ўртасида кураш.....	18
Турсунов Р. XIX асрнинг 2 ярми - XX аср бошида туркистон ўлкасидаги экологик ҳолат ва сув ресурслари таснифи.....	22

Фалсафа

Alimboyeva R. Mustaqillikning dastlabki yillarida o'zbekistonda jismoniy tarbiya va sport: xalq ta'limi tizimida.....	27
Alimova K. Techniques of developing lexical skills and their implementation.....	31
Аманов Ғ. Ёшлар ижтимоийлашувида маънавий – ахлоқий тарбиянинг ўзига хос жиҳатлари.....	34
Атахўжаев В. Миллий кадриятлар тизимида комил инсон масалари (оила маънавияти мисолида).....	37
Атоев F. Talabalariga axborot texnologiyalari fanini o'qitishda elektron ta'lim resurslari o'rni.....	41
Akhmadjonova K. Communication strategies of children in situations introduction of new vocabulary in a foreign language.....	44
Beknazarova S., Qahramonova X. Texnika ixtisosligi talabalarida informatsion kompetentlikni shakllantirish metodikasining informatsion-analitik imitatsion modellardan foydalanish.....	48
Bo'ronova G. COVID-19 pandemiyasi davrida robototexnika to'garaklarini virtual didaktik vositalar yordamida tashkil etish samaradorligi.....	51
Ғозибеков Т. Манший-турмуш доирасидаги турли зўравонлик ва у билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг турлари, келиб чиқиш сабаблари, илмий таҳлили ҳамда уларнинг олдини олишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	55
G'ofurova S. Strategies to increase critical thinking skills in english language teaching.....	59
Daminova G. Zamonaviy ta'lim muhitida integrallashgan kimyo darslarini tashkil qilish.....	62
Dekhkanova N. The use of innovative technologies in teaching in medical universities.....	66
Джураева Д. Муаммоли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш модели.....	69
Илхамова Д. Клиническая характеристика психологических расстройств у детей, больных хроническими соматическими заболеваниями.....	72
Инамова Г. Юкори синфларда инглиз тилини аудиовизуал воситалар ёрдамида тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантиришдаги муаммолар.....	77
Ишқобилов Ф. Компьютер имитацион моделлар асосида зоология фанидан угленоидларнинг тузилиши ва ҳаракатларини виртуал лабораториясини яратиш технологияси.....	80
Карамян М. Психологическое благополучие как фактор ценностного отношения личности к здоровью.....	85
Кўнғиров И. Ижтимоий шериклик моделининг такомиллашуви жараёнида фуқароларнинг сиёсий маданияти.....	89
Qurbanov A. Bo'lajak muhandis-elektriklarning kasbiy sifatlariga qo'yiladigan zamonaviy talablar.....	92
Мажитов М. Шахс шаклланиши жараёнида ижтимоий муҳитнинг аҳамияти.....	96
Маматов З. Ижтимоий-сиёсий қарашлар тарихида фуқаролик жамияти ғоясининг тараққиёти.....	100
Мамаюсупова И. Ўспиринлар ўртасидаги ўзаро муносабатларидаги низолларларнинг экспериментал жиҳатдан ўрганилиши.....	103
Mahkamova L. Insult kasalligi bilan xastalangan bemorlarda afaziyalarning namoyon bo'lish xususiyatlari.....	107
Мираширова Н. Талаба-психологлар касбий камолотида ижтимоий-психологик портретининг аҳамияти.....	111
Mirgiyazova M. Common problems caused by testing and assessment in learning legal english and test modification process (in an example of tsul).....	115
Мустафаева Н. Инглиз тилида ёзма нутқ компетенциясини ривожлантиришдаги қийинчиликларни бартараф этишда мультисенсорли ёндашуви ҳики методи.....	119
Nuraliyeva N. Boshlang'ich ta'lim o'qituvchilarni malaka oshirish jarayonida kasbiy-ijodiy faoliyatini rivojlantirish.....	122
Отамуродов Ғ. Таълим соҳасида педагог кадрларни малакасини оширишда хориж тажрибасининг назарий ва илмий асослари.....	125
Radjabova A. Gender fenomeniga sharq va g'arb falsafasidagi munosabat.....	129
Raxmanov E. Yunon-rim kurashida kombinatsion hujum harakatlarini takomillashtirish yo'llari.....	132
Рябова М. Разработка методики диагностики семейной истории и семейных традиций.....	137
Самадов Ғ. Рақамли технологиялар муҳитида сиёсий лидер имижини бошқариш.....	141
Сейтова З. Концепция устойчивого развития общества – признание общих интересов человечества.....	145
Туйчиева М. “Адабиёт” дарсликларидаги ўқув материаллари таҳлили.....	148
Туниянц А. Возрастная динамика переживания счастья в семье (гендерный аспект).....	152
To'gaxopov F. Fizika o'qitishda kompyuter texnologiyalaridan foydalanishning didaktik asoslari.....	156
Турғунова Г., Гаффорова М., Закирова Э. Фокус-группы как метод изучения представлений студентов о семье.....	159
Туркменова М. Талабалар толиқишини олдини олиш.....	163
Tursunov Q., Shohimardonov J. "Milliy dastur" asosida yaratiladigan zamonaviy ta'lim dasturi tahlili.....	166
Urinov B. Oliy ta'limda ta'lim sifati.....	170
Файзиёва О. Техника тройного прыжка с разбега и методы его обучения студентам.....	173
Хайдарова А. Виртуал фуқаролик жамияти концепциясининг фалсафий мезонлари.....	177
Хасанова Н. Қандли диабетда шахснинг касалликка ва даволанишга муносабатининг хусусиятлари.....	181
Хафизова У. Философские основы языка религии.....	186
Холназарова Д. Талабаларда ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар.....	189
Хамроев Ғ. Она тили таълимида ўқув топшириқларини такомиллаштиришнинг лингводидактик хусусиятлари.....	193
Cho'liyev A. Voleybol – inson salomatligining omili sifatida.....	197
Shirinqulova Sh. Tibbiy yo'nalishdagi ta'lim muassasalarida tibbiy informatika metodikasi.....	201
Эмирова Е. Метод экстраполяции в смене парадигм научного познания.....	205

Филология

Абдувахабова Д. Экспрессивлик ва эмотивлик категорияларини коммуникатив-прагматик хусусиятлари.....	1
Abdujabborova X. Alisher Navoiy asarlarida "faylasuf" termini ma'nosini bildiruvchi so'zlar talqiniga doir.....	2
Абдуллаев А. Жой номларида миллий-маданий белгиларнинг акс этиши (тошкент вилояти топонимлари мисолида).....	3
Abdullayeva K. Comparative analysis of english and uzbek folklore genres.....	4
Абдухамидова Д. Значение 家-из-«дом» в системе имен родства в японском языке.....	5
Авилова К. Тиббий терминологиянинг лингвистик хусусиятлари, "тиббий атама" тушунчаси ва унинг шаклланиш ривожланиш тарихи.....	6
Азимов И. Иброҳим тоҳирийнинг тил ва имло масаласига муносабати.....	7
Ахмедова О. "Ё рамазон" кўшиқларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиш ва талқини масалалари.....	8
Vaxodirova Sh. Psixolingvistik yondashuvga doir tadqiqotlar tarixi va tavsifi.....	9
Бобокалонов П. Француз ва ўзбек тилида каноник модели гап, каноник модели гапларнинг прагматик хусусиятлари гап таркибидаги унсурларнинг объектив ва субстанционал қиймати.....	10
Давронова Ш. Адабиётда контраст тасвирлаш усули (исажон султоннинг "олисдаги урушнинг акс-садоси" ҳикоя мисолида).....	11
Djamalxodjayeva G. Muhammad Yusuf dostonlarida maqol va matallarning ifodalanishi.....	12
Дўстмаматова Н. Форма сравнительной степени прилагательных.....	13
Зоирова А. Феминистик тадқиқотларда гинокритик ёндашув.....	14
Избаева Н., Гафурова У. Некоторые размышления о термине «школы в науке».....	15
Икромхонова Ф. Типологик таҳлиллар (тарихий асарлар мисолида).....	16
Ишанжанова М. Француз ва ўзбек матнларида макон дейксисининг стилистик таҳлили.....	17
Matkarimova A. Linguopragmatic and linguoculturological features of language means expressing the semantic field "respect".....	18
Мирханова Г. Синоним сўзлар ўқув лугатининг мегақурилиши.....	19
Mirsharipova Sh. Tarixiy romanlarda temuriy malikalar obrazi talqini.....	20
Муллаева С. Мултимедиявийликнинг аънавий матбуот материалларига таъсири.....	21
Обиджонова М. Рэй брэдбери ва ҳожиакбар шайхон ҳикояларида фан-техника тараққиётига муносабат.....	22
Расулова Г. Айрис мёрдокнинг «қўнғирок (the bell)» романида композиция қурилиши.....	23
Рахимов З. Бадииятда изтироблар талқини.....	24
Хурсанов Н. Драматик асарлардаги вербал компонентларнинг социопрагматик хусусиятлари.....	25
Шодиева Ш. Концептнинг лисоний воқеланиши.....	26
Eshniyazova A. Zamonaviy qissa poetikasida ramz va metafora.....	27

ЛИТЕРАТУРА

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" (Толковный словарь узбекского языка) Ташкент 2018.-271 с.
2. Кобаяси Сюити. Нихон сякайрон но парадайму сайкō (Парадигмы японской социальной теории) Тоё: дайгаку сякай гакубу кё: дай 42-1 го: 2004.- 27 с.
3. Гуревич Т.М. Лингвокультурологический анализ концептосфера "человек" в японской языковой картине мира. Дис. на соиск. уч. степ. док. Култ. Москва, 2006.-102 с.
4. Намики Такаши. Кокуго дайжитен (Толковый словарь японского языка) Сёгакукан 1981.-117 с.
5. Фролова Е. Л. Термины родства в функции обозначения супругов японской семей. Новосибирск, 2011.-132-137 с.
6. Судзуки Такао. Котоба то бунка (Слова и культура) Токио: Иванаэмэ сётен, 1973.-140-170 с.
7. Alpatov V.M. Words of kinship in Japanese. Kinship in Altaic world: proceedings of the 48th Permanent international Altaic conference, Moscow 10-15 July 2005.-8 с.
8. Абдуазизов А. Тилшуносликнинг истикболлари// Филология масалалари –(Перспективы лингвистики) №3 Т., 2011. -87 с.
9. Яманаша Масаки. Гайненка то ими но секай-нинчи имирон но апурочи-. (Концептуализация и мир значений-когнитивно-семантический подход) Кенкюся, 2008.-28 с.
10. Давид Ли. Джицурей де манабу нинчи генгогаку. (Когнитивная лингвистика-изучение на примере-)Тайсюкан, 2006.-11 с.
11. Sullivan K. Frames and constructions in metaphorical language. Amsterdam: John Benjamins Publishing Company, 2012.

O'ZBEKISTON MILLIY
UNIVERSITETI
XABARLARI, 2022, [1/1]
ISSN 2181-7324



FILOLOGIYA

<http://science.nuu.uz/uzmu.php>

Social sciences

Клара АВИЛОВА,

Тошкент Тиббиёт Академияси катта ўқитувчиси

E-mail: avilovaklara1960@gmail.com

Тошкент Тиббиёт Академияси Ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси доценти Жўраев Абдуназар Хотамназарович тақризи асосида

ТИББИЙ ТЕРМИНОЛОГИЯНИНГ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ, "ТИББИЙ АТАМА" ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Аннотация

Бу мақолада тиббий атама тушунчаси ва унинг шаклланиши ва ривожланиш тарихи, ҳозирги кунда ечимини кутаётган долзарб муаммолар, шу жумладан, тиббий терминларнинг лингвистик хусусиятларини тадқиқ қилиш муҳимлиги алоҳида эътибор қаратилди.

Таянч сўзлар: терминология, юнон тиббиёти, араб тиббиёти, Европа тиббиёти, лингвистика, терминология, тиббий матн, тиббий атама, синонимик атама, тиббиёт лексикаси.

ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ МЕДИЦИНСКОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ, ПОНЯТИЕ «МЕДИЦИНСКИЙ ТЕРМИН» И ИСТОРИЯ ЕГО СТАНОВЛЕНИЯ И РАЗВИТИЯ

Аннотация

Данная статья посвящена понятию медицинского термина и истории его становления и развития, важности исследования языковых особенностей медицинских терминов, в том числе актуальным вопросам, ожидающим решения.

Ключевые слова: терминология, греческая медицина, арабская медицина, европейская медицина, языкознание, терминология, медицинский текст, медицинский термин, термин-синоним, медицинская лексика.

LINGUISTIC FEATURES OF MEDICAL TERMINOLOGY THE CONCEPT OF "MEDICAL TERM" AND THE HISTORY OF ITS FORMATION AND DEVELOPMENT

Annotation

This article is devoted to the concept of a medical term and the history of its formation and development, the importance of studying the linguistic characteristics of medical terms, including topical issues awaiting decision.

Key words: terminology, Greek medicine, Arabic medicine, European medicine, linguistics, terminology, medical text, medical term, synonym term, medical vocabulary.

Кирриш. Барча фанлар, шу жумладан тиббиёт фани учун ҳам атамашуносликдаги каби маълум бир соҳада билим жараёнининг натижаси акс эттирилган. Атама илм-фан воситаси бўлиб, у илмий далилларни бойитиш, билимларни кўпайтириш ва уларни кейинги авлодларга етказиш имконини беради. Дунёни билишнинг чексиз жараёни, янги тушунчаларнинг пайдо бўлиши ва мавжуд тушунчаларни модернизация қилиш, реал воқеликнинг барча янги ва янги объектларини очиш ва яратиш тилдан

маълум бир тилда гапирадиган жамоани ўз атамашунослиги учун керакли сўзлар билан таъминлашни талаб қилади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Тиббиёт тили бой термин тизими эга. Бу илмий соҳага олимларнинг қизиқиши узок идизларга эга. Маълумки, биринчи тиббий матнлар қадимги Юнонистонда пайдо бўлган. Қадимги юнон тиббиёти мустақил профессионал билим соҳаси сифатида

энг юкори даражага эришган. Қадимги юнон шифокорларининг асарлари қадимги тиббиёт томонидан тўпланган билимлар мажмуасини ўз ичига олади. Бизгача етиб келган энг қадимги манбалар Алкмеон Кротонскийнинг тиббий матнларининг бир нечта қисмидир. Ўша даврнинг 100 дан ортиқ тиббий асарлари "Гиппократ тўплами" («Corpus Hippocraticum») га жамланган. Улар аънага кўра антик даврнинг энг буюк шифокори Гиппократ традицияси бўйича йирилган. "Гиппократ тўплами" нафақат Гиппократ ва унинг шогирдлари, балки қадимги юнон тиббиётининг бошқа йўналишларида фаолият олиб борган шифокорларнинг асарларини ҳам ўз ичига олади. "Гиппократ тўплами" асари билан аслида Европа тиббиёти ва тиббий терминологиянинг тарихи бошланади [тиббий энциклопедия http://dic.academic.ru / contents.nsf / ens_medicine].

Гиппократ ва унинг ворислари халқ табибларининг кўп авлодлари қўллаган тиббий лексикани мерос қилиб олдилар; бунга Гомернинг "Илиада" асари орқали маълум даражада баҳо бериш мумкин. Гомер эпосида Гиппократ томонидан ишлатиладиган анатомик ва нозологик белгиларнинг катта қисми мавжуд ва уларсиз замонавий тиббиёт мавжуд бўла олмайди. Тиббиёт предметлари ва ҳодисалари номларига онд сўзлар асосан юнон халқ нутқидан олинган. Атаманинг замонавий тушунчасига мос келадиган ва фақат шифокорлар томонидан ишлатиладиган махсус тиббий сўзлар "Гиппократ тўплами"да нисбатан кам. Битта ва бир хил предмет кўпинча турли сўзлар билан ифодаланган. Тўпланиннг асосий лингвистик бойлиги касалликлар номлари ва уларнинг белгилари, анатомик лексика кам эса қўлланилган [Архангелск 1991].

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Юнон файласуфи ва олими Арасту биотиббиёт лексикасига катта ҳисса қўшган. Унинг юнон тилидаги асарларидаги терминлар, масалан, Gk. "alōpekiā", кейинчалик латин тилига "alopecia" (алопеция), Gk. "aortē" → Latin "aorta" (аорта), Gk. "glaukōma" → Latin "glaucoma" (глаукома), Gk. "diaphragm" → Latin "diaphragm" (диафрагма), Gk. "kanthōs" → Latin "canthus" (угол глазной щели), Gk. "kolon" → Latin "colon" (ободочная кишка), Gk. "kondulōs" Latin "condylus" (мыщелок), Gk. "leukoma" → Latin "leucoma" (лейкома), Gk. "nystagmōs" → Latin "nystagmus" (нистагм), Gk. "pancreas" Latin "pancreas" (поджелудочная железа), Gk. "tracheia" → Latin "trachea" (трахея), Gk. "phalānx" Latin "phalanx" (фаланга), Gk. "exophthalmos" → Latin "exophthalmus" (экзофтальм) деб номланган сўзларга бориб тақалади.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Юнон даврининг бошланиши билан илмий тиббиёт маркази Искандарияга кўчиб ўтди. Бутун дунёга маълум бўлган ва кўп асрлар давомида тиббиётнинг ривожланишини олдиндан белгилаб қўйган Александрия тиббиёт мактаби бу ерда ривожланди. У асосан тиббий, айниқса анатомик терминологияда сезиларли из қолдирган иккита таникли шифокор - Герофил ва Эразистратуснинг фаолияти билан машхур бўлди. Агар олдинги даврда тиббиёт лексикаси асосан оғзаки тилдан сўз олиш йўли билан бойитилган бўлса, Искандарийлар жасорат билан неологизмларни - сунъий, махсус яратилган атамаларни киритганлар.

Александрияликлар тиббий тилни тартибга солиш ва нормаллаштириш учун кўп иш қилдилар. Фақат уларда тиббиёт тили замонавий илм-фан нуқтаи назаридан ҳам кўзга ташланадиган уйғунлик ва илмий аниқлик хусусиятларига эга бўлди.

Қадимги дунё инкирозига қадар юнон тили аслида халқаро тиббиёт тили бўлиб хизмат қилган, турли этник гуруҳлар шифокорлари учун профессионал ўзаро тушуниш воситаси бўлиб хизмат қилган. Бу даврда латин тили Юнонистон ва унинг собиқ мулклари устидан Рим ҳукмронлиги ўрнатилишига қарамай, тиббий - биологик лексиканинг ривожланишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмади. Латин тили ўзининг бутун тарихи давомида юнон тилининг кучли таъсири остида бўлди. Римликларнинг тиббий ва биологик билимлари юнон тиббиёти ва табиат ҳақидаги, биринчи навбатда, тириклик ҳақидаги фан билан рақобатлаша олмади. Ҳақиқий латинча махсус лексикани, хусусан анатомик лексикани шоир-файласуф Лукреций Каранинг "Нарсаларнинг табиати ҳақида" («De rerum natura») поэмасидан тузиш мумкин. У юнонларнинг табиий илмий қарашларини латин тилида баён этишга катта қийинчиликлар билан эришди. Инсон танасининг тузилишини тасвирлашда, Лукреций адабий латин ва Юнон тилидан олинган латинлаштирилган сўзлардан ҳам ишлатган [Медицинская энциклопедия <http://dic.academic.ru / contents.nsf / encmedicine>].

Римликлар ривожланган илмга эга бўлмаганликлари учун илмий билимларини юнонлардан илмий терминологиялар билан бирга ўзлаштирдилар. Латин тилида пайдо бўлган илмий асарларда юнон тилидан қўллаб ўзлаштирмалар мавжуд бўлиб, улар латин тилига осонлик билан киритилган. Шу билан бирга, бир қатор Грекизмлар ўз шаклларини тўлиқ сақлаб, баъзи юнон товушларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда латин алифбоси орқали транскрипция қилинган. Баъзан романизация ўзлашган сўзнинг шаклига таъсир этган: масалан, юнонча -oq-, -od латинча -us, -um қўшимчалари ўрнига, nvXcopoq - pylorus (ошқозон пилорус), owocpaуoq — oe-sophagus (кизилўнғач), xPaūlov ~ cranium (калла суюги), Bpaxicov — brachium (елка, қўл) каби сўзлар ўрин алмашган. Бошқа грек сўзлари баъзан латин тилига ҳеч қандай морфологик ўзгартиришларсиз кириб келган: coma (кома), avaXvaia-analysis (анализ).

Юнончадан олинган сўзлар латин тилида жуда тез идиз отди, бунга Римда амалиёт ўтказётган шифокорларнинг аксарияти юнонлар бўлганлиги катта ёрдам берди [Авксентьева А.Г. 2007:22].

Римда амалиёт ўтказётган энг кўзга кўринган шифокор Клавдий Галеннинг тиббий ва фалсафий қизиқишлари филологик жиҳатдан доимо бир-бирига боғланган эди. Гален Гиппократ ёзувларига онд луғат ва шарҳлар тузди.

У қўллаб янги юнон номларини таништирди, эскиларининг маъноларини аниқлаб берди, замондошлари учун баъзи деярли унутилган ёки тушунарсиз Гиппократ атамаларини қайта тиклади. У сўзнинг таркиби ва ички шакли белгиланган объектга нисбатан тўғри йўналтирилганлигини ва анатомик номларни тегишли орган томонидан бажариладиган функцияга нисбатан тўғри қаратишга интилди. У ҳар бир махсус сўзнинг аниқ бир дастур ва талқинга эга бўлишини айниқса муҳим деб ҳисоблади. Галеннинг фан тилини шакллантиришга ёндашуви замонавий илм-фан атамаларга, шу жумладан тиббий терминларга қўйиладиган асосий талабларни ўз ичига олган [Гаиденко 2008:250].

Феодал даври тиббиётининг энг юкори ютуғи Араб Шарқи, жумладан, Эрон ва Ўрта Осиё халқлари тиббиётидир. Араб тилидаги тиббиётнинг тарихий аҳамияти қадимги дунёнинг энг бой тиббий меросини сақлаб қолганлигидир.

IX—X асрларда Араб тили латин ва юнон тилларига сезиларли қарши турувчи ва рақобатчи бўлиб

қолди. Гиппократ ва Галеннинг деярли барча асарлари юнон тилидан Араб тилига таржима қилинган. Шу асосда Араб тилидаги тиббий адабиёт шаклланиши бошланди. Аввалига, бу асосан юнон асарларининг жамланмаси эди, лекин аста-секин Араб шифокорлари томонидан ёзилган машхур мустақил асарлар ҳисобига ҳам бойиди. Буларга, биринчи навбатда, Абу Бакр Розий ва айниқса, Али Ибн Сино ёки Авиценна асарлари қиради. Уларнинг ёзувларида Араб тиббий терминологияси тасдиқланган.

XIV асрдан бошлаб Араб тиббиётининг таъсири заифлаша бошлади, аммо Европа тиббиётининг ривожланиши тиббий лексика лотинлаштирилган арабизмларни ўз ичига олиши, (ибронийча сўзлар), араблаштирилган юнон, нотўғри ҳисобланган, кўпинча таржимонлар томонидан нотўғри тушунилган терминологик чалкашликлар билан тўсқинлик қилди. Кўплаб синонимик атамалар пайдо бўлди. Европа тиббиёт фанига "терминологик бўғилиш" таҳдид солди. Шу муносабат билан, баъзи олимлар илмий ишлар ва маърузаларини миллий тилларда яратиш учун алоҳида уринишлар қилдилар [Медицинская энциклопедия http://dic.academic.ru/contents.nsf/enc_medicine].

XIV аср охирида, миллий тилларни яратиш жараёни бошланади. Буюк географик кашфиётлар даври европаликларни номаълум халқлар, тиллар билан таништиради, янги тилларнинг тавсифлари пайдо бўлади. Ғарбий Европада лотин тили фан, таълим ва ибодатда асосий позицияларини сақлаб қолди. Лекин шу билан бирга, она тилларининг позициялари мустаҳкамланиб борди. Улар янги ижтимоий функциялар ва юқори мақомга эга бўлдилар. Ўлик адабий тиллар (ғарбда лотин ва Шарқда эски славян) билан бир қаторда ўз адабий тиллари шаклланди [Березин 1975].

XVI - XVII асрларда миллий грамматика пайдо бўлди, тиллар каталоглари ва кўп тилли лугатлар тузилди. Бу вақтда европалик олимлар қадимги Ҳинд грамматикасининг ғоялари билан танишади. Тилларнинг қариндошлиги ҳақидаги ғоялар пайдо бўлиб, бу XIX асрнинг иккинчи ўн йиллиги охирида қиёсий тарихий тилшуносликнинг яратилишига олиб келди [Алпатов 1998].

Шунингдек, Европада тиббиёт терминологиясининг лингвистик бирлиги, синонимлар сонини камайтириш, уни тушунарсиз арабизм ва варваризмлардан тазалаш учун мақсадга мувофиқ кураш олиб борилди. Янги лотин тили - Renaissance Latin, Европа минтақасида халқаро илмий тил сифатида шаклланади. Анатомлар XVI аср анатомик кашфиётлар асри бўлгани учун унинг янгиланишида фаол рол ўйнадилар ва ўша даврда анатомик терминология чалкашликлар мавжуд эди. Уйғониш даврининг кўплаб атоқли анатомистлари бир вақтнинг ўзида филолог ҳам бўлишга мажбур эдилар [Михель 2004:12].

Замонавий анатомиянинг асосчиси Андреас Везалий XVI асрда лотин тилидаги анатомик терминологияга катта ҳисса қўшди. У Цельс томонидан киритилган номларни асос қилиб олиб, анатомик терминологияга бир хилликни берди, барча ўрта асрлардаги варваризмларни олиб ташлади. Шу билан бирга, Везалий Грецизмларни минималлаштирди, бу Галеник тиббиётнинг кўплаб қондаларини рад этиш билан изоҳланади. Бунинг ҳам салбий томони бор эди, чунки Везалий классик юнон тиббиётига оид баъзи қисқа номларни лотин тилидаги батафсил тавсиф атамалари билан алмаштирди. Баъзи ҳолларда у Цельс томонидан берилган номни бутунлай бошқа анатомик объект учун ишлатган. Везалийнинг ислохотчилик фаолиятининг бундай томонлари бир қатор ҳолларда терминологияни кейинчалик Грекизм ва варваризмларга қайтишига сабаб

бўлди. Лингвистик пуризмга камроқ мойил бўлган француз тиббиёт мактаби вакиллари тиббиёт терминологиясида грецизмларнинг сақланиб қолишини ёқлаб чиқдилар.

Анатомик терминлар лугатини ишлаб чиқишда Ренессанс анатомларининг ҳиссаси улкан бўлди. А.Г.Авксентьева таъкидлаганидек, XVIII аср охирига келиб лотин тилидаги анатомик номларнинг сони 30 000дан ошди, фақат тахминан 700 таси қадимги юнонлардан мерос бўлиб ўтди [Авксентьева 2007].

XVII асрнинг илмий инкилоби тиббиёт фанида жадал ривожланишга сабаб бўлди, янги илмий фанлар ва фундаментал илмий йўналишларнинг шаклланиши билан ажралиб турди ҳамда бу кўплаб янги атамаларнинг яратилишига сабаб бўлди. Зотан, кеч Уйғониш давридан бошлаб тиббиёт тилини жонли миллий тилларни ривожлантириш эҳтиёжларига босқичма-босқич мослаштириш мавжуд эди. Шундай қилиб, француз жарроҳ Амбруаз Паре, анъанани бузган ҳолда, француз тилида ўз қўлёзмаларини ёзган. Бироқ, XVIII асрда лотин тили хали ҳам биология ва тиббиётнинг халқаро тили бўлиб, унда илмий ишлар чоп этилган, ўқитилган ва илмий мунозаралар олиб борилган. Лотин тили хар бир мамлакатда тенг ҳуқуқга эга ворислар каби миллий тиллар билан уйғунлашиб кетган.

XIX асрнинг ўрталарига келиб вазият тубдан ўзгарди. Лотин тили ниҳоят миллий тилларга йўл очиб беради ва энди улар ёзма ва оғзаки илмий мулоқот воситасига айланади ва лотин фақат номинатив функцияни сақлаб қолади [<http://www.curemed.ru/medarticle/articles/33215.htm>]. Бу юнон ва лотин тиллари анъанавий равишда тиббий ва биологик сўз бирикмаларини тўлдиришнинг асосий манбалари сифатида эътироф этилган Европа ва Америка минтақалари мамлакатларига ҳосдир. Классик тилларнинг лугатларидан тайёр шаклда олинган номлар билан бир қаторда, турли мамлакатлардаги олимлар томонидан сунъий равишда классик тилларнинг лексик ва сўз шаклланиши материаллари асосида яратилган неоклассицизмлар (Нео-грекизмлар ва неолатинизмлар) кўп сонда пайдо бўлди, масалан, рус тилида:

- "ортопедия" (англ. orthop(a)edy) грек. "orthos" - тўғри, текис + грек. "paideia" - таълим, тарбия;
- "лейкемия" (англ. leukaemia) грек. "leukos" - оқ + грек. "haima" - қон;
- "амилоид" (англ. amyloid) грек. "amylon" - крахмал + "eidos" - тур;
- "аллергия" (англ. allergy) <— грек. "allos" - бошқа + "ergon" - ҳаракат;
- "фагоцит" (англ. phagocyte) грек. "phagos" - емоқ, ейиладиган + "kytos" - идиш.

Хусусан, неоклассицизмларнинг лингвистик дизайни турли йўллар билан содир бўлган: улар лотин тилида яратилган ёки маълум бир миллий тил шаклини олган; кўпинча иккаласи ҳам бир вақтнинг ўзида содир бўлган. Юнон-лотин этимологияси туфайли бундай атамалар турли миллий тилларнинг терминологиясига осонлик билан кириб келди ва уларнинг фонетик ва морфологик тизимларига мувофиқ ўзгартирилди, халқаро номларга - интернационализмга айланди. Кардиологик терминология мисолида бу терминларнинг ўзлаштирилиш жараёни 3-бобда батафсил баён қилинади.

Ғарбда шифокорлар орасида замонавий (клиник) медицина пайдо бўлиши билан, Европада тиббий билимларни ривожлантиришнинг барча босқичлари - антик даврдан ҳозирги кунгача бўлган тиббиётни ўз ичига олган касбнинг тўлиқ тарихини қайта тиклаш зарурати пайдо бўлади. Тиббиётнинг интизомий тарихи, шифокорлар томонидан ёзилган тарихи мавжуд. Унинг

